

ГАВҲАРШОД БЕГИМ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Ишанчаева Шоирахон Баҳрамжановна

*Андижон давлат тиббиёт институти Академик лицей «Ижтимоий» фанлар
кафедраси мудири*

Аннотация: мазкур мақолада маърифатпарвар аёл, Шоҳруҳ Мирзога салтанатни бошқаришида ўзининг маърифати билан бекиёс ўрин эгаллаган Гавҳаршод бегим мардлик туйғулари, тафаккури ва маърифати билан мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва жасамият ривожисида тутган ўрни тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: илмий тадқиқот, тархон, вафодорлик тимсоли, чигатой зодагонлари, Маҳди Улё, замон Билқиси, даврон Қайдофаси, тадбиркор, оқила, зукко аёл, илм-маърифат, сиёсат, маслакдош, хилхона, давлат ишлари, салтанат бошқаруви, “амалий ҳукмдор”, масжид-мадраса, хонақоҳ, мақбара, даҳма, мусофирихона, шифохона, равот, кўпприк, сардоба, муаррих .

Буюк саркарда Амир Темур вафот этганидан сўнг мамлакатни узоқ муддат идора қилиш Шоҳруҳ Мирзога насиб этади. 40 йил подшолик қилган Шоҳруҳ Мирзога салтанатни бошқаришда ўзининг маърифати билан ўз маслаҳатларини бераб борган Гавҳаршод бегимнинг ўрни бекиёсдир. Асл келиб чиқиши тархонлардан бўлган маликанинг Темурийлар салтанатини бошқаришда амалдорлар лавозимга тайинлаш, темурийлар авлодларининг таълим-тарбия масалалари, салтанатда тахт ворисларини тайинлаш, мерос масалаларида муносиб мавқега эга бўлган. Шу сабабли, манбаларнинг гувоҳлик беришича замонасининг Маҳди Улё, замон Билқиси ва даврон Қайдофаси деб эъзозланган. Афсуски, Гавҳаршод бегимнинг шахсини ўрганишга оид илмий тадқиқотлар бўлса-да, унинг

давлат бошқарувига, илм-маърифатга оид ижтимоий-фалсафий қарашлари, XV аср биринчи ярмида Темурийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган.

Гавҳаршод бегим – Амир Темурдан сўнг салтанати узоқ муддат идора этган ҳукмдор Шоҳрух Мирзонинг (1409-1447) хотини бўлиб, Темурийлар даврида мартабали амир Ғиёсиддин Тархоннинг қизидир. Амирнинг аждоди бўлган Қишлиқ тархон ўз унвонини Чингизхоннинг қўлидан олгани тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилади. Яна бир маълумотда эса чифатой зодагонларидан бири бўлган Ғиёсиддин Тархоннинг аждоди – Қушлик вақтларида Чингизхоннинг хизматида бўлиб, бир жангда уни ўлимдан омон сақлаб қолган дейилади. Темуршунос олималардан бири бўлган Б.Манз, Ғиёсиддин Тархон Гавҳаршод бегимдан ташқари яна икки фарзандини темурийларга келин қилиб берган дейилади.

Ғиёсиддин Тархон Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида ишончли беклардан бўлиб, унинг ўғиллари ҳам давлатни идора этишда катта таъсирга эга бўладилар. Шоҳрух Мирзо замонида ҳам даврида муҳим мансабларга эришгандилар.

Шоҳрух Мирзо ва Гавҳаршод бегимнинг уч қизи Марям Султон, Саодат Султон ва Қутлуқ Туркон Оға ва уч ўғли Мирзо Улугбек, Бойсунғур ва Муҳаммад Жўки фарзандлари бўлган.

Гавҳаршод бегим ўз даврининг тадбиркор, оқила ва зукко аёлларидан бири бўлиб, Шоҳрух Мирзо ҳукмронлик қилган йилларда Темурийлар салтанати бошқаришда, ички ва ташқи сиёсатида асосий ўринни эгаллаган. Саройда Шоҳрух Мирзонинг яна бир бошқа рафиқаси чингизий Хизр ўғлоннинг қизи Маликат оғо мартаба жиҳатидан юқори турса-да, Гавҳаршод бегим Шоҳрух Мирзога илм-маърифат ва сиёsat масаласида муносиб маслақдош эди. Шунингдек, шоҳона маросимларда, байрамларда ва турли маракаларда алоҳида ҳурматга эга бўлиб, барча зодагон ва амирлар билан ижобий муносабат ўрнатган.

Темурийлар маликаларга муносиб равишда Гавҳаршод бегим илм аҳиллариға ҳамда йирик қурилишларга ҳомий бўлган. Унинг кўрсатмаси билан Гавҳаршод Жоме масжиди қурилиб, унга вақф мулкларидан ажратилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг таъкидлашича, “Гавҳаршод бегим Ҳиротнинг шимолида Сари Пули Инжилда қурдираётган Олий мадраса шундай бир иморатки, оламнинг бутун маъмур ерларида унга ўхшали топилмайди, деб ёзади. Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи ҳам мазкур мадрасага 1432 йил 4 октябрда ташриф буюрган.

Шу билан бирга, 1417-1438 йилларда Ҳиротда мадраса ва масжидлардан ташкил топган мажмуа барпо этилиб, кейинроқ бир нечта темурийзодалар учун хилхона вазифасини бажарган. Мазкур иморатларнинг Гавҳаршодбегимнинг кўрсатмаси билан ўз даврининг машҳур архитектори Қавомиддин Шерозийдир бунёдкор этган.

Олим Т.Файзиев салтанатнинг турли вилоятларига ҳокимларни тайинлаш, қўшинларга саркардаларни белгилаш, кимларга инъом тайинлаш ва кимларни қандай жазолаш каби масалаларни ҳам малика ихтиёр этганлигини келтириб ўтади. Бундан кўринадики, Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ Мирзо даврида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлат ишлари ва салтанат бошқарувидаги иштироки алоҳида ўринга эга эканлиги маълум бўлади.

Яна бир тарихчи олим Амриддин Бердимуродов “Самарқанд тарихидан томчилар” номли тўпламида Гавҳаршод бегимнинг ўзининг шахсий муҳрга эга бўлганини қайд этади, бу мамлакатнинг баъзи ишларида ўзи мустақил қарор қабул қилиб, унинг ижросини назорат қилганини кўрсатади. Мазкур муҳрга араб тилида “Гавҳаршод бегим Ғиёсиддин Тархоннинг қизи”, деб ёзилган. Гавҳаршод бегимнинг мазкур муҳри жуда катта сиёсий куч бўлиб, тош ўймакорлик санъатининг гўзал намунасиdir.

Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлик йилларида Хуросон давлати маданий жиҳатдан ҳам анча гуркираб ўсади. Мамлакатнинг пойтахти Ҳирот Шарқнинг энг нуфузли иқтисодий ва маданий юксалиш марказларидан бирига айланди. Мамлакатнинг

бундай тарақкий этишида “амалий ҳукмдор” Гавҳаршод бегимнинг ҳиссаси улкан. Унинг топшириқлари билан мамлакатнинг бошқа жойларида ҳам қурилишлар авж олган эди. Масжид-мадрасалар, хонақоҳ, мақбара, даҳма, мусофирихона, шифохона, равот, кўпприк ва сардобалар қуриб битказилди.

Шоҳруҳ Мирзо 1447 йили вафот этади, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида Гавҳаршод бегимнинг ўрни яна ҳам кучаяди. Унга яқин бўлган амирлар тожу-тахт вужудга келган қурашларда Алоуддавла ва унинг ўғли Иброҳим Мирзо манфаатларини қўллаб-қувватлайдилар. Шоҳруҳ Мирзонинг вафотидан сўнг, кейинги ўн йилликда ҳам мамлакат ҳаётида Гавҳаршод бегимнинг сиёсий роли катта бўлди. Шу билан бирга, тахт учун олиб борилган қурашларда бир неча шахзодаларни қўллаб-қувватлаган маликанинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетиб, оқибатда ўзаро ички урушларнинг кучайишига олиб келади.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг қўшин қўмондонлигини Гавҳаршод бегим Абдуллатиф Мирзога топширса-да, пинхона Ҳиротга - Алоуддавла Мирзога “Ҳиротни мустаҳкамлаш” ҳақида зимдан мактуб йўллаб, уни режалаштирилган чопар орқали етказади. Бундан хабардор бўлган Абдуллатиф бувисини зинданга ташлашга фармон беради. Абдуллатиф Мирзонинг бу ҳаракати сабабли, Алоуддавла Мирзо унга қарши Нишопур яқинида тўсатдан хужум қиласи, мағлубиятга учратади ва ўзи асири олиниб, Малика Гавҳаршод бегим озод қилинади.

1457 йилда Абу Саид Мирзо Ҳирот тахтини эгаллайди. Аввалига, у маҳди улё Гавҳаршод бегим билан мулоқот қилиб, унга илиқ муносабатда бўлади. Малика ҳам ўз навбатида Абу Саид Мирзога муносиб илтифот кўрсатганлиги маълум.

Матлаи Саъдайнда ёзилишича: Шу йўсинда бир гуруҳ фитна тарқатувчи кишилар Султон Абу Саид Мирзога: маликанинг Алоуддавла Мирzonинг ўғли Мирзо Султон Иброҳим билан сиёсий алоқалар ўрнатгани ҳамда Гавҳаршод бегим ҳузурига ҳар доим хабар етказувчилар келиб туриши, лашкарларнинг аҳволи ва турли ахборотларни аниқлаб, Султон Иброҳимга маълумот берадилар, “бирор воқеа юз бермасидин олдин чора изламоқ керак, йўқса бандадан қўлидан ҳеч нарса

келмай қолиши мумкин, шу сабабки, хушёр тортган маъқулроқ” деб айтиб ўтади. Бундан хабар топган Абу Саид бир гурӯҳ ёвуз кимсаларнинг саъй-ҳаракати Гавҳаршод бегимни қатл этади.

Ўша даврнинг машхур муаррихларидан бири Абдураззок Самарқандий “Гавҳаршод оқо муборак сояли ва баланд мартабали, шиори покизалик ва иффат пардасига ўралган, хатти-ҳаракати одилона ва қилмишлари пок, олийхиммат ва улуг орзули, иффат пардасида Робиа сифатлик ва покизалик ёпинғичида Зубайдада янглиғ бир малика эди. Унинг эзгу фазилатлари адолат нигористонига соябону мақтовли қилмишлари олийжаноблик дебочасига мундарижа эди. У шухратли бонудан тириклик оламида кўп хайрли ёдгорликлар қолди: доруссалтана Ҳиротнинг шимолида Байтулмағфира, Машҳади муқаддасда Масжиди Жоме”, дея маълумот беради.

Амир Темурнинг вафот этгандан сўнг, то 1457 йилга қадар, яъни Гавҳаршод бегимнинг вафот этгунича бўлган даврларда барча ижтимоий-сиёсий воқеаларда ҳам зодагон оиласа мансублиги, ҳам подшонинг хотини бўлгани учун Гавҳаршод оғанинг бевосита таъсирини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, унинг юксак тафаккури ва шахсий қобилиятлари унга ижтимоий-сиёсий воқеаларни жиловлаш имконини берди. Салтанат ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо оламдан ўтгач, у Хурсонни эгаллашни истаган темурийларнинг марказ нуқтаси сифатида ҳокимият тимсоли бўлиб қолади. Гавҳаршад оғани йўлбошли деб билган тархоний амирлар малика кимники қўллаб-қувватласа, улар ҳам ўша темурийзодаги ёрдам берардилар. Шу сабабли, Гавҳаршод бегимнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари таҳтга ўтириш учун ноёб маънавий куч сифатида намоён бўлади. Мазкур даврда салтанатнинг ижтимоий, маънавий-маърифий ва сиёсий ҳаётида Гавҳаршод бегимнинг ўрни бекиёсdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Manz B.F. Gowhar-ŠādĀgā // Encyclopedia Iranica. [Электрон ресурс].
<https://iranicaonline.org/articles/gowhar-sad-ag>
2. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995
3. Manz B.F. The Rise and Rule of Tamerlane. – Cambridge: 1989. 189 p. n
4. Mo'ezz al-ansāb fi šajarāt al-ansāb, Bibliothèque Nationale, ms. 67. fol.
5. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II Жилд. – 1 қисм: 1405-1429 йилвоқеалари / Форстилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев. – Т: Ўзбекистон, 2008.
6. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн: II Жилд. 2-3 қисмлар: 1429-1470 йил воқеалари / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. Географик номлар изоҳли кўрсаткичи О.Бўриев. Тарихий шахс, воқеа ва атамаларга изоҳлар муаллифи F.Каримов ва Э.Миркомилов. – Тошкент: O'zbekiston, 2008.
7. Файзиев Т. Темурий маликалар. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.